

Мўмин мўмин учун бино кабидир | Биринчи ҳақ



11:18 / 29.07.2025 968

Ўзи учун яхши кўрган нарсани бошқалар учун ҳам яхши кўриш.
Шунга кўра киши ўзи учун шаръий ва ақлий жиҳатдан хоҳлаган нарсани барча мусулмонлар учун ҳам хоҳлаб, нафси учун хуш кўрмаганини барча мусулмонлар учун ҳам хуш кўрмаслиги лозим. Зеро, сарвари коинот Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Ҳеч қайсингиз ўзи учун хоҳлаган нарсани (диндош) биродари (бошқа ривоятда эса: қўшниси) учун ҳам хоҳламагунгача иймон келтирган бўлмайди» деган сўзларига кўра, киши ўзи учун хоҳлаган нарсани мусулмон биродари учун хоҳламагунича тўлиқ иймон келтирган ҳисобланмайди. Яна Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминнинг мўмин биродари билан яқин ришта ва алоқасини бинога ўхшатиб:

«Мўмин мўмин учун (ғишtlари бир-бирларини маҳкам ушлаб турадиган) бино кабидир», деганлар. Бу мусулмоннинг ҳаққига алоҳида танбеҳлашдир.

Абдулҳамид Зайриевнинг

«Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.